

«MY-INSURANCE»
aksiyadorlik jamiyati sug'urta tashkiloti
aksiyadorlarining
2023 yil 26 oktabrdagi navbatdan tashqari
umumiy yig'ilishi bayonnomasi qarori bilan
TASDIQLANGAN
Yig'ilish raisi



Q.A. Saidvaliyev

**«MY-INSURANCE»
AKSIYADORLIK JAMIYATI
SUG'URTA TASHKILOTI
USTAVI**

(YANGI TAHRIR)

Toshkent - 2023 y.

МУНДАРИЖА:

I.	Умумий қоидалар	3
II.	Жамиятнинг юридик мақоми, почта манзили ва электрон почта манзили.....	3
III.	Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади.....	4
IV.	Жамият устав фондининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайтириш тартиби	5
V.	Жамиятнинг акциялари, уларнинг турлари, номинал қиймати, уларни жойлаштириш тартиби ва эълон қилинга акциялари.....	6
VI.	Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари.....	6
VII.	Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби	7
VIII.	Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларини ташкил этиш тартиби....	8
IX.	Жамият бошқарув органлари	8
X.	Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши	9
XI.	Жамиятнинг қузатув кенгаши	10
XII.	Жамиятнинг ижроия органи	13
XIII.	Жамиятнинг тафтишчиси	14
XIV.	Суғурта сири	15
XV.	Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш	15
XVI.	Бошқа ҳолатлар	16

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида»ги, (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва «Суғурта фаолияти туғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, «MY-INSURANCE» **Aksiyadorlik jamiyati sug'urta tashkiloti** фаолияти тартибини белгилайди.

1.2. «MY-INSURANCE» Aksiyadorlik jamiyati 2009 йил 22 июнь куни 70-сонли рўйхат рақами билан давлат рўйхатидан ўтган Mas'ulyati cheklangan jamiyat shaklidagi «MY-INSURANCE» sug'urta tashkiloti ҳуқуқий вориси ҳисобланиб, унинг барча мажбуриятлари бўйича жавобгардир.

1.3. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:
«MY-INSURANCE» Aksiyadorlik jamiyati sug'urta tashkiloti;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи:
«MY-INSURANCE» AJ sug'urta tashkiloti;

Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи кирил алифбосида:
«MY-INSURANCE» Акциядорлик жамияти суғурта ташкилоти;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи кирил алифбосида:
«MY-INSURANCE» АЖ суғурта ташкилоти;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:
Страховая организация акционерное общество «MY-INSURANCE»;

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:
Страховая организация АО «MY-INSURANCE»;

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:
«MY-INSURANCE» Joint-Stock Insurance Company;

Жамиятнинг ингиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:
«MY-INSURANCE» JSIC.

II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамиятнинг хўжалик фаолияти қайси давлатларнинг ҳудудида амалга оширилса, ушбу давлатларнинг қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, шунингдек мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

2.2. Жамият ўзининг мустақил балансига ва ҳисобрақамига эга. Жамият ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар ҳудудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисобрақамларни очиши мумкин.

2.3. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

2.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.5. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар

юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.6. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.7. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

2.8. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.9. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.10. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномсида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шўъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.11. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг қузатув кенгаши тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

2.12. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий фаолиятни амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

2.13. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.14. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

2.15. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Кичик Миробод кўчаси, 95-уй.

2.16. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@myinsurance.uz

2.17. Жамиятнинг расмий веб-сайти: myinsurance.uz

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий - хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

3.2. Жамиятнинг асосий фаолияти бўлиб Ўзбекистон Республикаси ва хорижда берилган лицензияга мувофиқ умумий суғурта соҳасида фаолияти олиб бориш, яъни фуқаролар мулкани, корхона, ташкилот ва муассасаларининг мулкани, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ва тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурталаш хизматини кўрсатиш ва шу асосда фойда олишдир.

3.3. Жамиятнинг фаолият турлари бу суғурта фаолиятининг умумий суғурта тармоқда келтирилган суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатиш.

3.4. Жамият махсус руҳсатнома (лицензия) мавжуд бўлган ҳолда амалга ошириладиган ўз фаолият турларини амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартиб ва қоидалар асосида амалга оширади.

3.5. Жамият суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига асосан суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг Устав капитали акциядорлар томонидан олинган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

4.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол – мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.

4.3. Жамият устав фондининг миқдори 35 050 000 000 (ўттиз беш миллиард эллик миллион) сўмни ташкил этиб, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 35 050 000 (ўттиз беш миллион эллик минг) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акциялардан иборат.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

4.4. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.5. Қўшимча акциялар фақат жамият Уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

4.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш тўғрисидаги қарорлар Жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

4.7. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.

4.8. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

4.9. Қўшимча чиқарилаётган акциялар ёпиқ ёки очик обуна усули билан жойлаштирилиши мумкин.

4.10. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.11. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

4.12. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.13. Агар Устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият Устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

4.14. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.15. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши Устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ КИЙМАТИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРИ

- 5.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.
- 5.2. Акция бўлинмасдир. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.
- 5.3. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.
- 5.4. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.
- 5.5. Жамият акцияларининг номинал киймати 1 000 (бир минг) сўм.
- 5.6. Жамият ўзи чиқараётган акцияларни ва акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни ёпик обуна орқали жойлаштиради.
- 5.7. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқаришига ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори, номинал киймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 92 729 000 (тўқсон икки миллион етти юз йигирма тўққиз минг) дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат.
- 5.8. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади, аммо Ўзбекистон Республикаси «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонунига зид бўлмаган ҳолда. Жамиятни қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.
- 5.9. Жамият томонидан чиқарилган акцияларни сотилишидан Жамият ҳисобига келиб тушган Ўзбекистон Республикаси валютасидаги пул маблағлари, валюта маблағлари ва бошқа мулкӣ бадаллар амалдаги қонунчилик томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадилар, ҳисобланадилар, сақланадилар ва фойдаланадилар.
- 5.10. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.
- 5.11. Жамиятнинг Устав фонди кўпайтириладиганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал киймати бўйича амалга оширилади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

- 6.1. Акциядорлар куйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:
- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
 - депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - жамиятнинг молия-хўжатик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

6.3. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

6.4. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли.

6.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли қирим ёзуви белгиланган тартибда қиритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.6. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайдан эътиборан ўтади.

VII. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

7.2. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.3. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.4. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.7. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

- 7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 7.10. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.
- 7.11. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.
- 7.12. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.
- 7.13. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:
- Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
 - агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
 - агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.
- Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.
- 7.14. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.
- 7.15. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхори томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.
- 7.16. Жамиятнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда захира фонди маблағлари ҳисобига қопланади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАҲИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Жамият соф фойдаси ҳисобидан:
- Захира Фонди;
 - Жамият Кузатув кенгаши томонидан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа Жамғармалар тузилади.
- 8.2. Жамият ўз фаолиятини юритишда суғурта ва бошқа захира фондларини ташкил қилади.
- 8.3. Жамият Устав фондининг 15% кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.
- 8.4. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш таъқиқланади.
- 8.5. Жамият захира фондига ушбу Уставнинг 8.3.- бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% кам бўлмаган миқдорида ажратмалар ўтказилади.
- 8.6. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида мажбурий ажратмалардан тикланади.

IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

- 9.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
 - Кузатув кенгаши;
 - Ижроия органи (Бош директор).

X. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

- 10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 6 ой муддат ичида ўтказилади.

10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги, Жамият яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги шунингдек Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий ҳисобот йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари ҳисобланади.

10.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- а) Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- б) Жамиятни қайта ташкил этиш;
- в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- г) Жамият кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ж) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- з) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- и) Жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтишчига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- к) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
- л) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- м) Жамият кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафчисининг ҳулосаларини эшитиш;
- н) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- о) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- п) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- р) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- с) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- т) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- у) қонунчиликда ва мазкур Уставада кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш бундан мустасно.

10.9. Жамиятнинг оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлган тақдирда жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда қонунчилик билан белгиланган акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно. Жамият яқка акциядорининг қарори ушбу акциядор томонидан мустақил равишда, Жамият Кузатув кенгашининг ва (ёки) Бош Директорининг ёзма мурожаати асосида қабул қилиниши мумкин. Агар қабул қилиниши лозим бўлган қарор бўйича Қонунчиликка ва ушбу уставга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси ёки Кузатув кенгаш томонидан дастлабки тарзда маъқулланиши лозим бўлса, бундай қарорлар, қарорлар Жамият акциядори (акциядор вакили) томонидан шундай тавсиялар олинганидан сўнг ёки дастлабки тарзда маъқулланганидан сўнг қабул қилинади.

10.10. Агар акциядорлар реестра мувофиқ жамият акциядорлари биттадан ортиқ бўлса, жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

10.11. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзолардан бири олиб боради.

10.12. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 60 (олтмиш) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва тафтишчисига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.13. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш қотиби томонидан имзоланади.

10.14. Акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот коммуникация технологиялари (АКТ)дан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш, кун тартибидаги масалаларни муҳокамага этиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этишлари мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида» ги Низоми билан тартибга солинади.

XI. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- а) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;
- в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- д) акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) Ушбу Уставнинг 10.6. бандидаги а) ва т) қисмларида кўрсатилган масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг Умумий йиғилишига киритиш;
- ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- з) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

и) - акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

к) Акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

л) Аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида (ўтказилиши шарт бўлган аудиторлик текширувидан ташқари), аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

м) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

н) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

о) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

п) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) жамиятнинг ижроия органини тузиш, Бош директорни сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

с) Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

т) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

у) Жамиятнинг ички аудит хизматини ташқил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

ф) Жамият тафтишчисига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

х) Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш;

ц) Жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан (дивиденд тўлаш фондидан ташқари) фойдаланиш;

ч) Жамиятнинг филиалларини ва ваколатхоналарини ташқил этиш ва тугатиш уларнинг Низомини тасдиқлаш;

ш) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин);

щ) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

ы) Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташқил этиш;

э) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

ю) ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

11.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.4. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 3 (уч) кишидан иборат.

11.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

11.6. Жамият Бош директори Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

11.7. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.8. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар қуйидаги талабларга мос келиши ва:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши лозим.

11.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11.10. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тулик беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

11.11. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

11.12. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

11.13. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

11.14. Жамият кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

11.15. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари кузатув кенгаш раисининг ташаббуси билан ёки қўйидагилар талабига кўра чақирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- тафтишчининг;
- Жамият Бош директорининг;
- ички аудит хизмати бошлиғининг;
- қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

11.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун қворум, кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг 75 фоизини ташкил қилади.

11.17. Овозга қўйилган масала бўйича Жамият кузатув кенгашининг қарорлари, агар қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

11.18. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

11.19. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

11.20. Жамият кузатув кенгаши қарорлари билан Жамият акциядорлари таништирилиши мумкин. Жамият акциядорлари Жамиятнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

11.21. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.22. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади.

11.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.24. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот

Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.25. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

11.26. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

11.27. Жамият кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.28. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

11.29. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган “Жамият кузатув кенгаши туғрисидаги Низом”да белгилаб қўйилади.

ХII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яққабошчилик асосидаги ижроия органи (Бош директор) томонидан амалга оширилади.

12.2. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

12.3. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистан Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

12.4. Бош директор акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

12.5. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

12.6. Бош директор Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Бош директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

12.7. Бош директорга тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига туғридан-туғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

12.8. Бош директорнинг ваколатларига қуйидагилар қиради:

- мазкур Устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан битимлар тузиш;

- Жамият филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

- штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- Жамият ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
 - Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
 - амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.
- 12.9. Жамиятнинг бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият Кузатув кенгашининг розилиғи билан йўл қўйилади.
- 12.10. Бош директорнинг ҳуқуқлари у билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.
- 12.11. Бош директорнинг мажбуриятлари:
- Жамиятнинг шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
 - Жамиятнинг акциядорлари ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш;
 - қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
 - Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
 - Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
 - Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
 - Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бош директори томонидан белгиланади;
 - давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
 - Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтишчиси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
 - Жамиятнинг Бош директори, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 12.12. Бош директорнинг мажбуриятлари у билан тузилган меҳнат шартномасида ҳам белгиланади.
- 12.13. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.
- 12.14. Бош директор қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.
- 12.15. Бош директор томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари қўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли у билан тузилган шартнома Жамият кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.
- 12.16. Жамият Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда, унинг вазифасини вақтинча бажаришни Жамият кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ тайинланган шахс олиб бориши мумкин.
- 12.17. Бош директор мазкур Устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

ХIII. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШЧИСИ

- 13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 кишидан иборат этиб бир йил муддатга тафтишчи сайланиши мумкин.
- 13.2. Айтиб бериш керакки, бир шахс жамиятнинг тафтишчи сифатида кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

13.3. Жамият тафтишчиси бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек меҳнат шартномаси (контракт) бўйича жамиятда ишлаши мумкин эмас.

13.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтишчисининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

13.5. Жамият тафтишчисининг ваколат доирасига кўйдагилар қиради:

- акциядорлик жамияти номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;
- юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;
- молиявий-хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, қоидалар ва ҳоказоларга риоя қилинишини текшириш;
- солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун Акциядорлик жамиятлари баланслари, ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;
- Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга дойир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқариш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалалар ҳам қиради.

13.6. Жамият тафтишчисининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтишчига тақдим этишлари шарт.

13.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтишчи хулоса тузади, бу хулосада:

– Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

– бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

13.8. Жамиятнинг тафтишчиси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

13.9. Жамият тафтишчиси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдикланадиган «Жамият тафтишчиси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

XIV. СУҒУРТА СИРИ

14.1. Суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, суғурта қилдирувчиларнинг ва суғурталанган шахсларнинг соғлиғи, суғурталанган мол-мулк, суғурта пули, банк ҳисобварақлари мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар ошқор қилиниши мумкин эмас.

14.2. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган суғурта битимлари ва операцияларининг рўйхати, суғурта тарифлари, суғурта турлари ҳамда муддатлари очик ахборот бўлиб, суғурта сирини предмети бўлиши мумкин эмас.

14.3. Ушбу Уставнинг 14.1. бандида кўрсатилган маълумотлар суғурта қилдирувчи, шунингдек суғурталанган шахслар ва наф олувчилар ўзларига тааллуқли маълумотларга дойир ёзма розилик берганда учинчи шахсларга ошқор қилиниши мумкин.

XV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

15.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

15.4. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;

- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

15.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

XVI. БОШҚА ХОЛАТЛАР

16.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.2. Жамият Уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эъса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

16.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

16.5. Жамият Уставида кўзда тутилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

Пронумеровано, прошито

листов

М.Б.Кучаров



Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"MY-INSURANCE" AKSIYADORLIK JAMIYATI SUG'URTA TASHKILOTI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"MY-INSURANCE" AJ ST

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

207 002 342

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

22.06.2009

Sana

70

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

**TOSHKENT SHAHRI, MIROBOD TUMANI, TOШKENT ШАХРИ МИРОБОД КИЧИК МИРОБОД
КЎЧАСИ МИРОБОД МФЙ УЎ 95**

Tomonidan berilgan:

MIROBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1440808

